

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ АЛИШЕРЖОН НУСРАТИЛЛА ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙ ДОН НАВЛАРИНИ ТОЗАЛАШ ВА ФРАКЦИЯЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ражабов Алишержон Нусратилла ўғли

Маҳаллий дон навларини тозалаш ва фракциялаш технологиясини
ишлаб чиқиш ва уларни синфлаш..... 3

Ражабов Алишержон Нусратилла угли

Разработка технологии очистки и фракционирования местных сортов
зерна и их
классификация..... 21

Rajabov Alisherjon Nusratilla ogli

Development of technology for cleaning and fractionation of local grain
varieties and their classification 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ АЛИШЕРЖОН НУСРАТИЛЛА ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙ ДОН НАВЛАРИНИ ТОЗАЛАШ ВА ФРАКЦИЯЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/К344 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ҳамрокулов Гофуржон
кимё фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Алишер Шоназарович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сафаров Жасур Эсирганович
техника фанлари доктори, профессор

Тешабаева Элмира Убайдуллаевна
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «14» сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоний кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (115 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоний кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» август куни тарқатилди.
(2021 йил «30» августдаги 7 - рақамли реестр баённомаси).



Х.Л. Пулатов

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., профессор

Ф.Б. Игитов

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш илмий
котиби, к.ф.д. (PhD), доцент

Д.А. Рахимов

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кишлоқ-хўжалик хом ашёларини чуқур қайта ишлашда, жумладан буғдой донининг намлиги, физик ва механик хусусиятларини таҳлил қилиш асосида таркибида мавжуд бўлган органик, минерал ва йирик аралашмалардан тозалаш, массасига кўра фракцияларга ажратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Россия, АҚШ, Франция, Туркия, Украина каби ривожланган мамлакатларда сифатли дон уруғчилиги селекциясини ривожлантириш, донли маҳсулотларни навларга ажратиш ҳамда фракциялаш учун ускуналар ва технологик жараёнларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда буғдой донидан олинган маҳсулотларнинг ассортиментини ошириш ҳамда сифатини яхшилашга қаратилган донли экинларни қайта ишлашни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, прогрессив инновацион технологияларни жадал татбиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада буғдой донларининг физик-кимёвий хоссалари ҳамда геометрик ўлчами ва массасига кўра фракциялаш, бошқа аралашмалардан тозалашда энергия ресурсларини тежаш, юқори сифатли маҳсулотлар олиш имконини берувчи техника ва технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда инновацион технологияларни қўллаш орқали буғдойнинг маҳаллий навларини сифатли фракциялаш ва тозалашда сепараторларнинг асосий ишчи органларини лойиҳалаштириш, ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш, математик моделлаштириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича маҳаллий буғдойларнинг кимёвий таркибини синфлаш тизимини тадбиқ этиш бўйича чара тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш асосида, саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, уни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, амалиётда ресурс ва энергия тежамкор технологияларни кенг қўллаш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада технологик босқичларни ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалдаги қурилмаларни модернизациялаш ва такомиллаштириш ҳамда донларни кимёвий таркиби асосида синфлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 26 апрелдаги ПФ-3484-сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” фармони.

“Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3179-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сон “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2018 йил 12 январдаги 24-сон “Илмий-инновацион ютуқлар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология»нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дон экинларини фракциялаш ва сепарациялаш учун ускуналар ва технологияларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар Н.Е.Авдеев, В.И.Анискин, А.С.Архипов, А.Ф.Бутенко, Н.Ф.Васильев, Н.Г.Гладков, В.В.Гортинский, В.П.Горячкин, А.Г.Громов, П.М.Заика, А.Н.Зюлин, А.В.Зильбернагель, Н.Н.Ульрих, В.М.Дринча, П.К. Росс, Н.Р.Юсупбеков, Х.Х.Усманходжаев, Р.Г.Махкамов, З.С.Салимов, С.С.Негматов, А.А.Артиков, А.А.Ризаев, Г.А.Бахадиров, Ш.М.Гулямов, Ж.П.Мухитдинов, К.О.Додаев, Н.Р.Баракаев ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Ушбу тадқиқотлар натижасида 100 мингдан ортиқ турли ишлаб чиқариш ва қувватга эга бўлган машиналар яратилди. Механизациялаш жараёни ишлаб чиқариш самарадорлигини 8,0-10,0 мартага оширди, донни қайта ишлашдаги харажатларни 1,5-2,0 мартага қисқартирди, юқори сифатли ун ва уруғ олиш имконини берди.

Маҳаллий бўғдой донларини комплексли қайта ишлаш қурилмаларини модернизациялаш, технологияларни такомиллаштириш ҳамда донларни кимёвий таркиби асосида синфлаш илмий-амалий аҳамиятга эга ва жуда долзарбдир.

ТИФ ТНга мувофиқ товарларни синфлаш ва идентификациялашни ишлаб чиқиш бўйича Е.И. Андреева, Н.Н. Алексеева, С.Н. Гамидуллаева, О.А., Кудряшова, М.А. Николаева, Н.П. Яценко, С.В. Барамзин, Л.Е. Басовский, Б.Н. Габричидзе, Ю.Н. Чалых, И.Р. Аскарлов, А.А. Ибрагимов, Ғ.Х. Хамракулов, К.М. Каримкулов, Л.Т. Пўлатова, Б.Ё. Абдуғаниев, Ш.М.Киргизов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказилган ҳамда ўтказилмоқда.

Улар томонидан божхона мақсадларида товарларни синфлаш, сертификациялаш ва идентификациялаш тамойиллари ишлаб чиқилган ҳамда

божхона экспертизаси ёрдамида ТИФ ТН асосида алоҳида товарлар ни экспорт-импорт идентификациялаш амалиётига жорий этиш бўйича йўриқномалар берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А346 “Донни фракциялаш ва тозалаш учун приборлар самарадорлиги ҳисоб-китоби ва уларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш” (2015-1017йй.), №ИОТ-2017-5-16 “Донни тозалаш учун технологик машинани фракциялаш ва аспирациялашнинг такомиллаштирилган тизимини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш” (2017-2018), №И-ОТ-2019-19 “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини тозалаш учун универсал мобил сепараторлар конструкциясининг эксперименталь нусхаларини яратиш” (2019-2020йй) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий дон навларини фракциялаш ва тозалашнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш асосида амалдаги ускуналарни модернизациялаш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича дон навларини кимёвий таркиби асосида синфлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сепараторнинг ҳар бир бўлинмасида элакнинг асосий параметрларини аниқлаш учун донни бегона аралашмалардан тозалаш мақсадида элак ҳаракати динамикасини тадқиқ қилиш;

доннинг массаси бўйича сепарациялаш ва фракциялашнинг технологик жараёнларини таҳлил қилиш, ўрганиш ҳамда силкинувчан перфорацияланган кия токчалар юзаси бўйлаб донларнинг ҳаракат тенграммасини тузиш;

донни аралашмалардан тозалаш ва оғирлиги бўйича фракциялаш учун комбинацион сепараторни модернизациялаш ҳамда доннинг сифати ва экиш хусусиятларини белгиланган стандартлар талабларигача етказиш;

маҳаллий дон навларнинг кимёвий таркиби ва тузилиши ҳамда доннинг ушбу навларидан олинган унни ўрганиш;

уйғунлаштирилган тизим амалиётида фойдаланиладиган ЎзР ТИФ ТН даги маҳаллий дон навлари товар кодларини аниқлаш;

турли фракциялардаги буғдой донидан олинган уннинг нонбоплик хоссаларининг таҳлили;

модернизациялаштирилган комбинацион сепараторни ишлаб чиқаришга жорий этиш, апробациядан ўтказиш ва техник-иқтисодий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида буғдойнинг маҳаллий навларини фракциялаш ва сепарация қилиш учун замонавий қурилмалар ҳамда Давлат божхона қўмитасида донни божхона экспертизасини амалга оширишда қўлланиладиган усуллар олинган.

Тадқиқотнинг предметини донни тозалаш ва фракциялаш технологиясини такомиллаштириш, божхона экспертизасини тўғри ташкил

қилиш учун экспресс методлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида комбинацион сепараторда доннинг сифатини таҳлил қилишнинг органолептик (сенсорли), физик-кимёвий, кинематик усуллардан ҳамда олинган маълумотларни статистик ишлов бериш ва экспериментларни математик режалаштириш методидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

силкинувчан элакнинг юза бўйлаб ва қисмлар кесими бўйлаб дон ва бегона аралашмалар узлуксиз ҳаракатининг динамик модели илмий асосланган ҳамда маҳаллий нав буғдой донининг физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

физик-механик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда комбинацион сепараторда маҳаллий нав буғдой донларининг фракциялаш технологик ва кнематик параметрлари оптимиллаштирилган;

массаси бўйича донни фракциялаш ва турли аралашмалардан тозалаш учун комбинацион сепаратор такомиллаштирилди;

ишлаб чиқилган товар коди асосида сертификациялаш ва ушбу товарларни сифатини назорат қилиш, миллий товар номенкулатураси асосида маҳаллий буғдой навларини синфлаш қоидалари асосланган;

илк бор товар хусусиятидан келиб чиқиб ҳафвсизлик кўрсаткичлари ва органолептик, физик-кимёвий кўрсаткичларини мувофиқлиги ҳамда клейковина миқдорига асосланган донларни кодификациялаш усули ишлаб чиқилган;

буғдой донининг тузилиши ва кимёвий таркибига асосланиб қўшимча товар кодлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ТИФ ТН 1001190000 коди ўрнига қаттиқ дон учун ТИФ ТНнинг янги бешта (1001190001, 1001190002, 1001190003, 1001190004, 1001190009) коди ишлаб чиқилган;

ТИФ ТН 1001990000 коди ўрнига юмшоқ буғдой учун ТИФ ТНнинг янги бешта (1001990001, 1001990002, 1001990003, 1001990004, 1001990009) коди ишлаб чиқилган;

донли экинлардаги намликнинг масса улушини, протеин ва клейковинани аниқлаш таҳлилининг экспресс усули яратилган;

маҳаллий дон навларини тозалаш учун янги такомиллаштирилган комбинацион сепаратор ишлаб чиқилган;

тебранишни ҳисобга олиб майда бегона аралашмалардан донни тозалаш учун перфорацияланган элак юзаси бўйича дон ҳаракатининг муҳандислик ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

комбинацион сепаратор ишчи органи учун техник топшириқ ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги модернизациялаштирилган комбинацион сепараторда доннинг ҳаракатланиш қонуниятини тавсифлаш ва ишлаб чиқариш апробацияси бўйича олинган назарий ва эксперименталь

натижаларнинг мувофиқлиги ҳамда ЎзР ТН бўйича дон экинларининг янги товар кодлари таклиф қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти модернизация қилинган мобил комбинацион сепаратор самарадорлигини аниқлаш ҳамда масса бўйича фракциялаш камерасида қия элак бўйлаб доннинг ҳаракатланишини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти донни фракциялаш даражасини яхшилаш, унинг шикасланиш даражасини пасайтириш, усқунанинг моддий ва энергия ҳажмини камайтириш ҳамда доннинг кимёвий таркиби асосида ЎзР ТИФ ТНга мувофиқ товар кодини киритишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши. Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ маҳаллий нав буғдой донини синфланишини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

донли ва мойли экинларда намлик, оксил ва клейковина миқдорини аниқлашнинг экспресс усули Давлат божхона қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 5 апрелдаги 1/16-126-сон маълумотномаси). Натижада қаттиқ ва юмшоқ буғдойнинг кимёвий таркиби, сифат кўрсаткичлари ва истемол хоссаларини қисқа вақтда юқори аниқликда ҳамда стандарт талабларига мувофиқ аниқлаш имконини берган;

Навоий, Бухоро вилоятларида етиштириладиган турли навдаги қаттиқ ва юмшоқ буғдойларнинг кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича янги код рақамлари (қаттиқ буғдой донларнинг 1,2,3, ва 4 синфлари учун - 1001 19 000 1; 1001 19 000 2; 1001 19 000 3; 1001 19 000 4; юмшоқ буғдой донларнинг 1,2,3, ва 4 синфлари учун - 1001 99 000 1; 1001 99 000 2; 1001 99 000 3; 1001 99 000 4) амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 5 апрелдаги 1/16-126-сон маълумотномаси). Натижада қаттиқ ва юмшоқ буғдойларнинг клейковина миқдоридан келиб чиққан ҳолда синфлаш ҳамда алоҳида товар подсубпозициясига деталлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 10 та халқаро ва республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан 9 таси – ЎзР Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий ишлардаги мақолалар, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган; республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Дон тозалайдиган ускуналар конструкциясини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва замонавий ҳолати ҳамда ТИФ ТН бўйича донларни синфлашнинг аналитик шарҳи” деб номланган биринчи бобида донларни фракциялаш ва сепарация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш шароити учун амалдаги технологик машиналарни модернизациялашнинг асосий тенденциялари таҳлил қилиб чиқилган.

Дон экинларини фракциялаш ва сепарация қилиш учун универсал, кўп функцияли мобил ускуналарни излаш ҳозирги вақтда дон тозалайдиган машиналарнинг технологик самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларидан ҳисобланиши белгиланди. ТИФ ТН суб позицияси ости ва товар позициясининг идентификацияси учун донни кимёвий таркиби бўйича синфлаш ўрганилди.

Диссертациянинг “Донни фракциялаш ва сепарациялаш технологик жараёнини такомиллаштиришнинг тадқиқот усуллари ва объектлари” деб номланган иккинчи бобида мобил сепараторни такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари берилган.

1-расмда комбинацион сепараторнинг асосий конструктив хусусиятлари баён қилинган.




1-расм. Комбинацион сепараторнинг умумий кўриниши


Комбинацион сепаратор юклаш қурилмаси (6) қабул қилиш камераси (1) ва унинг пастки қисмида жойлашган таъминловчи валик (7), дастлабки аспирация канали (8) ва ён деворчадаги чиқиш ойнаси (9), қия перфирланган токчалар (11-13) ҳамда аспирациянинг ҳаво чиқувчи қуврлардан иборат.

Тадқиқот мақсади дон тозалаш даражасини ва комбинацион сепаратор самарадорлигини оширишда технологик ечимни ишлаб чиқаришдан иборат.

Юклаш қурилмаси остидаги қабул қилиш камерасининг қўшимча чиқиш қисмига ўрнатилган қурилма ёрдамида мақсаднинг ечимига эришилди (2-расм).



2 – расм. Дон сепараторининг таъминловчи ускунаси сепаратори



3 – расм. А-А сепаратори қирқимининг кўриниши



4-расм. Қия перфирланган токчалар фрагментлари

Қурилма йирик бегона аралашмаларни йиғиш учун қўшимча бункер билан таминланган бўлиб (15) қувур орқали қия перфирланган токча (11)нинг чиқиш ойнаси (9) пастки қия перфирланган токчанинг чиқиш ойнаси (10) билан уланиши мумкин. Қия перфирланган токчалар тебранишларининг ўзаро уланиши натижасида донларни бегона аралашмалардан ажратиш учун юза бўйлаб донли аралашмаларни текис тарқалиши ва эланиши таминланиб, аспирация сифатини ошишига олиб келади. Натижада донларни бегона аралашмалардан тозалаш сифати ва сепараторнинг самарадорлиги ошади.

Комбинацион сепаратордаги таъминловчи қурилманинг асосий фарқи шундаки, камеранинг юқори қисмидаги чиқиш ойнаси ўзаро қувур орқали боғланган бўлиб йирик бегона аралашмалар учун мўлжалланган бункер устига жойлашганлигидир. Шунингдек, модернизацияланган сепаратор сепарация камерасига қўшимча қўшилган камера билан фарқ қилади.

Сепарация камерасининг ички юзаси зарбни ютадиган таранг материал билан қопланган.

Диссертациянинг “Донларни бегона аралашмалардан тозалаш учун элак ҳаракати динамикасини тадқиқ қилиш” деб номланган учинчи бобида комбинацион сепаратор ҳаракати бўйича элак инерциясининг кучи, тезланиши ва тезлиги аниқланган; ҳаракатланадиган қия элакда доннинг ҳаракат динамикаси баён қилинган; сепараторнинг ҳар бир бўлинмаси учун элакнинг асосий параметрлари эксперимент ёрдамида аниқланган.

$\alpha = \omega t$ кривошипнинг бурилиш бурчагини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир бўлинмадаги шарнир билан маҳкамланган осгич (подвеска) ва ўзаро паралел, узунлиги бўйича тенг осилган элакларнинг тезланиши ва тезлиги аналитик усул ёрдамида аниқланган.

Кривошип r радиусли $\alpha = \omega t$ бурилганда элак a -а ҳолатидан a_1 - a_1 ҳолатига кўчади.

Тўғри чизиқли деб қабул қилинган элакнинг ҳаракатланиши қуйидагича бўлади: $S=aa_1=A_1C=A_1D-CD=r(1-\cos\alpha)-L(1-\cos\beta)$

бу ерда β — L узунликдаги шатуннинг горизонталдан оғиш бурчаги.

$BD=r \sin\alpha =L$ нисбатидан $\sin\beta = \frac{r}{L} \sin\alpha$. ни топамиз

Элакни сепараторларда корпус билан двигатель орасидаги кинематик каттиқ боғланишни яратиш учун кривошип шатунли механизм $\frac{r}{L} \leq \frac{1}{50}$ қийматини қабул қилади.

$\frac{r}{L} = \frac{1}{50}$ ва $\alpha = \frac{\pi}{2}$ нинг максимал катталикларида кўрсатилган биноминаль қатори қуйидагига тенг бўлади:

$S=r(1-\cos\alpha)=r(1-\cos\dots t)$ ва элак механика қонунига мувофиқ ҳаракатланади.

Сепаратор корпусининг юритмаси учун кривошип шатун механизмни қўллаш шароитидаги тебраниш амплитудаси таранг пружинали осгич ва тебраниш частотасига боғлиқ бўлмаган инерция кучига тенг. a тезланиш билан доннинг нотекис ҳаракатланишида тебранувчан қия элакда унинг силжиши тезланишга қарама қарши йўналтирилган доннинг инерция кучини ҳосил қилади. Бундан ташқари, заррачалар G оғирлик кучи ва F ишқаланиш кучи таъсири остида бўлади.

P_u инерция кучини қуйидагича келтириш мумкин $P_{ин} = P_u \sin\alpha$, донни элакда ёпишиши, унинг перпендикулярлиги $P_{ин} = P_u \cos\alpha$ элак юзасининг паралеллиги ва унинг устида ҳаракати.

Агар ҳаракатлантирувчи куч $P_u \cos\alpha$ $G \sin\alpha$ дан кичикроқ ва $F = f(G \cos\alpha + P_u \sin\alpha)$ ишқаланиш кучидан каттароқ бўлса, дон юқорига ҳаракатланади.


Заррачанинг юқорига ҳаракатланиш тезлигини аниқлаш учун элак юзаси бўйича заррачанинг нисбий ҳаракатланишини тавсифлайдиган дифференциал тенгламасини тузамиз:

$$m \frac{d\vartheta}{dt} = (P_u \cos\alpha - G \sin\alpha) - f(G \cos\alpha + P_u \sin\alpha) \quad (13)$$

ёки

$$m \frac{d\vartheta}{dt} = P_{ин}(\cos\alpha - f\sin\alpha) - G(f\cos\alpha + \sin\alpha) \quad (14)$$

6-расмда тасвирлангандек фракцияланган бўлинмадаги қия элакнинг икки ҳолати AB ва A_1B_1 подвескаларига осилган элаклар I ва II квадрантида кривошип ҳолатининг горизонталь бўйича тебраниши.



6 –расм. Кривошип ҳолатидаги горизонтал тебраниш бўйича қия элак ҳаракати:

a- I квадрантида I ; *б*- II квадрантида II .с

Тенглама (14) нинг икки қисмини m катталигига бўлиб унинг элак бўйича юқорига нисбий ҳаракатланишидаги заррачанинг тезланиши олинди:

$$\frac{d\vartheta}{dt} = a(\cos\alpha - f\sin\alpha) - g(f\cos\alpha + \sin\alpha) \quad (15)$$

Заррача юқорига ҳаракатланишни бошлагандан сўнг кривошипнинг тебраниш частотаси аниқланди:

$$n'_в = 30 \sqrt{\frac{tg(\varphi + \alpha)}{r}}$$

$P_{ин} > G\cos\alpha$ да заррачанинг юқорига отилиш ҳолати аниқланди (6,б-расм). Бунда дон элакдан ажралади ва у орқали эланмайди. Бундай ҳолатга тушмаслик учун $G\cos\alpha > P_{ин}$ ёки $G\cos\alpha > P_{ин}\sin\alpha$ бўлиши зарур.

Ўзгартиришдан сўнг дон элакдан ажралмаслиги учун бир минутда кривошип тебранишининг n_n -юқори частотаси аниқланди:

$$n_n = \frac{30}{\sqrt{r \operatorname{tg}\alpha'}}$$

бу ерда; r - кривошип радиуси, м.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики элашда дон таркибидан майда аралашмаларни ажралиш самарадорлиги элак юзасига солиштирма юклама ва унинг кинематик параметрлари ҳамда дастлабки дон аралашмасининг (грануламетриқ) таркибига боғлиқ. 0,005-0,012 м амплитудада элакни горизонтга нисбатан 4дан 10 градусгача оғиш бурчагининг кўрсаткич чегараси ва тебраниш частотаси минутига 650 гача (10, 8 Гц) эканлиги

аниқланди. Донларни элакта ўртача харакатланиш v_{cp} тезлигининг катталиги 1,40 дан 3,47 кг/(м·с)гача бўлган юкламадаги самарадорлиги элактнинг кинематик параметрларига боғлиқ.

Диссертациянинг «**Модернизацияланган мобил сепараторда фракцияларга ажратилган буғдой донининг уруғбоплик сифатларини аниқлаш**» деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий буғдой навларининг технологик хоссалари, ушбу сепараторда донни фракциялаш ва доннинг турли фракцияларидан олинган уннинг нонбоплик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Тадқиқот мақсади модернизация қилинган мобил сепараторда фракцияланган буғдой донининг уруғбоплик хоссаларини аниқлашга қаратилган.

«Зимница» ва «Хисорак» буғдой навлари дони тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилди.

Буғдойнинг тадқиқ қилинаётган навлари бўйича доннинг сифати 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Тадқиқот объектидаги доннинг сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Буғдой донидаги кўрсаткичлар	
	<i>Зимница</i>	<i>Хисорак</i>
Намлиги, %	12,30	12,60
Бегона аралашманинг оғирлик улуши, %		
- бегона аралашмалар	3,50	2,90
- бошқа экин уруғлари	1,90	3,30
натура, г/л	808	764
1000 та доннинг оғирлиги, г	41,5	37,0
Шаффофлик кўрсаткичи, %	52,0	49,0
Зичлиги, г/см ³	1,19	1,21
Ғоваклиги, %	37,5	39,7
Табий ховон (откос) бурчаги, град	41,0	40,0
Майдалаш даражаси кўрсаткичи (МДК), %	18,40	19,10

Тадқиқотлар ўрганилаётган буғдой нави донларини етарли даражада йирик ва текисланган деб тафсифлаш мумкинлигини кўрсатди. «Хисорак» навли буғдой дони натураси ўртача (746-776 г/л) , «Зимница» эса юқорироқ даражада бўлади; ўртача шаффофлик кўрсаткичи (49-53%), 1000 та дон вази ўртачадан юқори (31,5-35,9 г), зичлиги 1,19дан 1,21 гача, МДК 18,40% дан 19,10% гача ўзгаради.

Модернизацияланган мобил сепараторда йириклиги бўйича донлар 6 та грухга фракцияланди. Шунини таъкидлаш керакки, V ва VI фракция донларидан ун тортиш ва уруғ сифатида фойдаланиш учун яроқсиз

ҳисобланади. Шунинг учун куйида тадқиқотлар I-IV фракция дони билан ўтказилади:

$$I - \frac{4,0 \times 20}{3,0 \times 20}; \quad II - \frac{3,0 \times 20}{2,5 \times 20};$$

$$III - \frac{2,5 \times 20}{2,2 \times 20}; \quad IV - \frac{2,2 \times 20}{2,0 \times 20} \text{ мм.}$$

Бегона аралашмалар ва бошқа экин уруғлари аралашмалардан тозаланган, аммо фракцияларга ажратилмаган донлар солиштириш учун намуна сифатида олинди.

Дон фракцияси ўлчамини аниқлайдиган мезон сифатида куйидаги формула ўринли ҳисобланиб $d_{\text{эқв}}$ (мм да), доннинг эквивалент диаметри қиймати қабул қилинди:

$$d_{\text{эқв}} = 1,24 \sqrt[3]{\frac{G \cdot 1000}{\rho}},$$

бу ерда G - 1000 та дон вазни, г; ρ - дон зичлиги, кг/м³

Бўғдойнинг тадқиқ қилинаётган навини тавсифлайдиган кўшимча мезон сифатида турли фракциядаги донларнинг бажарилиш коэффициенти танланди:

$$K_{\text{в}} = \frac{d_{\text{эқв}}}{\sqrt[3]{1,91lab}},$$

бу ерда l, a, b - доннинг узунлиги, кенглиги ва қалинлиги, мм

Турли фракциядаги дон сифатининг асосий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўрганилаётган бўғдой дони навларининг сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Зимница				Хисорак			
	Фракция рақами				Фракция рақами			
	I	II	III	IV	I	II	III	IV
Дон миқдори, кг/100 кг	4,90	20,4	21,1	26,3	5,10	21,0	22,4	24,7
1000 та дон вазни, г	41,4	39,2	36,7	34,5	43,5	39,5	37,1	34,8
Чизиқли ўлчамлари, мм:								
- узунлиги, l	8,81	8,01	7,56	6,95	8,47	8,11	7,55	6,92
- кенглиги, a	3,94	3,53	3,10	2,84	3,98	3,57	3,15	2,81
- қалинлиги, b	3,51	3,21	2,86	2,54	3,53	3,26	2,89	2,55
Эквивалентли диаметр, $d_{\text{эқв}}$, мм	4,68	4,63	4,57	4,51	4,72	4,62	4,58	4,52
Дон зичлиги, ρ , кг/м ³	771	751	732	717	790	762	735	718
Бажарилиш коэффициенти, $K_{\text{в}}$	0,76	0,83	0,91	0,99	0,77	0,82	0,90	0,99
Аралашмалар миқдори, кг	3,8				3,1			

2-жадвалда келтирилгандек доннинг кўпроқ миқдори II фракция улушига тўғри келади. Ўрганилаётган буғдой донларини айнан бир хил фракциялари деярли бир хил $d_{\text{экв}}$ ва K_v қийматга эга бўлди. Шунингдек дон ўлчамларини камайиб бориши $d_{\text{экв}}$ қийматини 0,05 дан 0,17 мм гача (Зимница) ва 0,10 дан 0,20 мм гача (Хисорак) камайди, K_v эса 1,10 дан 1,30 гача ошди.


Шундай қилиб, буғдой донининг нав хусусиятлари эмас, ушбу кўрсаткичларга фақат унинг йириклиги сезиларли таъсир этади.

Турли фракциядаги доннинг I нав буғдой унининг нонбоплик хоссалари ҳақида синов лабораторияда пишириш натижалари бўйича хулоса қилинди.

Қатор ҳолатларда доннинг йириклиги (тадқиқ қилинаётган диапазонда) ун, хамир ва сўнгра нон сифатига таъсир кўрсатиши аниқланди. Хамир хусусиятларининг ўзгариши, яни сув ютиш қобилияти, суюлтириш ва адгезион хоссалари аниқланмади.

Ноннинг барча намуналаридаги органолептик кўрсаткичлари бўйича ўзгаришлар аниқланмай яхши сифатли маҳсулот сифатида тавсифланди. Доннинг йириклиги бўйича умумий бўлган тавсифлари аниқланди яни ноннинг сифат кўрсаткичлари, ғоваклиги, чиқиш ҳажми ва ноннинг балантлигини унинг диаметрига нисбати, $d_{\text{экв}}$ камайиши билан ушбу кўрсаткичлар пасаяди.

Назорат (фракцияланмаган буғдой дони аралашмаси)га нисбатан олинган кўрсаткичларнинг ўзгариш натижалари 7-расмда кўрсатилган.



7-расм. Турли йирикликдаги дон 1-нав унининг фракциялар бўйича 1-нав буғдой унининг ҳажмий чиқиши ва ғоваклигига таъсири.

Доннинг йириклиги камайиши билан қиёслаш намунасига нисбатан нон ғоваклигини кўрсаткич қийматлари ўртача- 2,7%, чиқиш ҳажми -1,8-8,8% га қонуний пасайиши бўлиб, печнинг пастки қисмида пишган ноннинг (Н/Д) шакл ушлаб туриш қобилияти 1,7-8,2% га пасайганлиги аниқланди

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида доннинг фракцияланиши уннинг хоссаларини, шунингдек таёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун самарали эканлигидан далолат беради.

Ҳар бир алоҳида босқичга қўйиладиган технологик талабларнинг қатъий бажарилиши сифатли дон олишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Ушбу талабларни бажариш мумкун қачонки ташкилот ички хўжалик назоратида донларни йиғиб олгандан сўнг қайта ишлаш ва донларни етиштириш шароитига амал қилса. Жаҳон стандартларига мувафиқ юқори сифатли дон ишлаб чиқаришни кўпайтириш барча тармоқлар унумдорлигини ошириш, шунингдек, халқаро бозорларга чиқиш имконини беради. Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида олинган натижалар сифатли ун ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва турли технологик хоссаларга эга бўлган дондан унумли фойдаланишга ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Буғдой донининг маҳаллий навларини кимёвий таркиби асосида синфлаш ва кодлаш”** деб номланган бешинчи бобида дон ва дон маҳсулотларини сертификатлаш ва синфлаш, шунингдек сертификатлаштириш учун зарур бўлган унинг органолептик таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқот натижалари келтирилган

Товарларнинг ТИФ ТН ўн хонали халқаро код белгиларига мувофиқлигини аниқлайдиган кўрсаткичлар дон учун мукамал эмас. Шунинг учун ушбу йўналишдаги илмий изланишлар катта амалий аҳамиятга эга. Дон ва дон маҳсулотлари учун халқаро кодларини аниқлаш уларнинг кимёвий таркибини, қайта ишлашнинг технологик жараёнларини, сифатини ҳамда сифат сертификатларини беришни асослаш масалаларини назорат қилишга имкон беради.

Доннинг қаттиқлиги ёки юмшоқлигидан келиб чиққан ҳолда буғдойга код рақамларини бериш тадқиқот предмети ҳисобланади.

Буғдой Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН нинг **“Продукты растительного происхождения”** деб номланган II-бўлимнинг 10-группида (Злаки) жойлашган. 1001 товар позицияси чегарасида янги подсубпозициялар киритиш, буғдойнинг товар кодларини белгилашда УТ талабларига мос равишда тўлиқлик принципини таъминлаш имконини яратади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, буғдой учун товар кодларини белгилашда унинг таркибидаги клейковина миқдори асос қилиб олиниши муҳим аҳамиятга эга.

Биз томонимиздан тақлиф қилинаётган қаттиқ ва юмшоқ буғдойлар учун товар кодлари юқоридаги вазифани тўла ҳал этиш имконини бериш билан биргаликда истеъмолчи манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда товар айланмасидаги тегишли ҳужжатлаштиришларда ҳуқуқ бузарликларнинг олдини олиш имкониятларини яратади (3-жадвал).

Кимёвий таркиби бўйича буғдойнинг таклиф қилинган кодлари

1001	Буғдой тури
<i>Қаттиқ буғдой</i>	
1001 19 000 0	--Бошқалар:
1001 19 000 1	---1-синф қаттиқ буғдой (клейковина миқдори 28% ва ундан юқори бўлган)
1001 19 000 2	---2- синф қаттиқ буғдой (клейковина миқдори 24-28%)
1001 19 000 3	--- 3- синф қаттиқ буғдой (клейковина миқдори 21-24%)
1001 19 000 4	--- 4- синф қаттиқ буғдой (клейковина миқдори 17-21%)
1001 19 000 9	--- бошқалар
<i>Юмшоқ буғдой</i>	
1001 99 000 0	--Бошқалар:
1001 99 000 1	--1-синф юмшоқ буғдой (клейковина миқдори 32% ва ундан юқори)
1001 99 000 2	--2- синф юмшоқ буғдой (клейковина миқдори 27 -32%)
1001 99 000 3	--3- синф юмшоқ буғдой (клейковина миқдори 22 -27%)
1001 99 000 4	--4- синф юмшоқ буғдой (клейковина миқдори 17 - 22%)
1001 99 000 9	--бошқалар

1001 11 000 0, 1001 19 000 0, 1001 91, 1001 91 100 0, 1001 91 200 0, 1001 91 900 0, 1001 99 000 0 товар кодлари амалиётда қўлланаётган ТИФ ТН да берилган бўлиб, буғдойни кимёвий таркиби асосида тўлиқ таснифлаш имконини бермайди.

Биз томонимиздан қаттиқ буғдой кодини қуйидаги дифференциацияланган кўриниши тақдим этилди: 1001 19 000 1, 1001 19 000 2, 1001 19 000 3, 1001 19 000 4, 1001 19 000 9.

Юмшоқ буғдой учун: 1001 99 000 1, 1001 99 000 2, 1001 99 000 3, 1001 99 000 4, 1001 99 000 9.

Қаттиқ ва юмшоқ буғдойнинг физик-кимёвий ва механик кўрсаткичлари бўйича синфлашнинг меъерий талаблари ишлаб чиқилди.

Янги техникани татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги қарор ҳисоб йилида янги техникани ишлаб чиқаришнинг йил ҳажми бўйича аниқланадиган иқтисодий самара асосида қабул қилинади (4-жадвал).

Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг қиёсий ҳисоб-китоби

№ п/п	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Вариантлар	
			Сепаратор Бис ва б.	Эксперименталь
1.	Бир машинанинг баланс қиймати	млн. сўм.	136000	222927,5
2.	Бир машинанинг бир соатлик ишлаб чиқариши	т/с	12	15
3.	Йиллик ишлаб чиқариш	Т	65000	81000
4.	Машиналар сони	Дона	1	1
5.	Ажратилган маблағ	млн.сўм.	-	222927,5
6.	Бир машина ишлаб чиқаришининг ошиши	Марта	-	0,25
7.	Меҳнат ҳажми операцияси	инсон- с/т	0,167	0,067
8.	Меҳнат ҳажмининг пасайиш даражаси	%	-	23.5
9.	Меҳнат харажатларини иқтисод қилиш (тежаш)	инсон	-	8100
10.	Солиштирма эксплуатация харажатларини тежаш , жумладан: - ҳисобланган иш ҳақи, сўм./т - электр энергиси харажатлари, сўм/т	сўм/т	-	1284
		сўм/т	-	815,2
		сўм/т	-	597
11.	Бир соатлик ишлаб чиқаришнинг ортиши ҳисобига накладной харажатларнинг шартли-доимий қисмини тежаш	сўм/т	-	2055
12.	Йиллик иқтисодий самара	млн.сўм	-	251526,8
13.	Солиштирма материал ҳажми	кг./т	0,041	0,019
14.	Қоплаш муддати	Йил	-	1,1

Буғдойнинг маҳаллий навларини синфлаш ва кодлаш Ўзбекистон бозорларига контрафакт ва сифатсиз маҳсулотларни олиб кириш ва тарқатишнинг олдини олишга, шунингдек божхона тўловлари миқдорини тўғри аниқлашга ва иқтисодий фойда олишга имкон беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Қия токчалар ва ҳаво оқими ёрдамида, донли аралашмаларни бир текис тушиши натижасида енгил аралашмалардан юқори сифатли тозалаш ва йирик аралашмалардан эса пастки элак ёрдамида сепарациялаш, шунингдек, донларни массаси бўйича фракциялаш, буғдой донини 97-99% тозаланишини таминловчи валик ёрдамида амалга ошириш механизмлари таклиф этилган комбинацион сепараторнинг технологик схемасига асосланган.

2. Донни массаси бўйича фракциялаш учун комбинацион сепараторнинг

фракциялаш камерасида донли аралашмаларнинг ҳаракатини ҳисоблашнинг математик модели ва усуллари ишлаб чиқилди, бу эса донларни геометрик параметри бўйича бир хил массага эга бўлган аралашмалардан тозалашга имкон берган.

3. Комбинацион сепараторда донни массасига кўра енгил ва йирик аралашмалардан тозалаш даражасини аниқлашнинг назарий ва экспериментал натижаларнинг мослиги текширилди, шунингдек, таъминловчи валикнинг турли айланма тезликларида учиш баландлиги ва бориб тушиш масофасидаги фарқи 3,2% дан ошмаслиги аниқланди. Назарий натижалардан амалий ҳисоблашларда фойдаланиш имкониятини берди.

4. Донни минерал ва органик аралашмалардан тўлиқ тозалаш ҳамда массаси бўйича фракциялаш учун эксперименталь комбинацион сепараторни қўллаш натижасида турли намликдаги донларнинг намлигини 2% дан 3,7%гача пасайтириш имконини беради.

5. Биринчи марта донли экинларнинг кимёвий таркиби, технологик ва истеъмол хоссалари асосида янги товар кодларини аниқлашнинг илмий-услубий асослари яратилган ва тавсифланган.

6. Маҳаллий дон навларининг товар хусусиятини аниқлайдиган органолептик, физик-кимёвий кўрсаткичлари, истемол хоссалари ва таркибига мувофиқ доннинг клейковина миқдори бўйича янги код рақамларини ўрнатиш тавсия қилинган.

7. Маҳаллий дон навларининг кимёвий таркиби, истемол хоссалари ва клейковина миқдори асосида ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича янги товар кодлари тавсия қилинган: 1001 19 000 1 – қаттиқ буғдойнинг 1-синфи (клейковина миқдори 28% дан юқори); 1001 19 000 2 – қаттиқ буғдойнинг 2-синфи (клейковина миқдори 24% дан 28%гача); 1001 19 000 3 – қаттиқ буғдойнинг 3-синфи (клейковина миқдори 21%дан 24%гача); 1001 19 000 4 – қаттиқ буғдойнинг 4-синфи (клейковина миқдори 17% дан 21%гача); 1001 19 000 9 – бошқалар; 1001 99 000 1 – юмшоқ буғдойнинг 1- синфи (клейковина миқдори 32%дан юқори); 1001 99 000 2 – юмшоқ буғдойнинг 2- синфи (клейковина миқдори 27% дан 32%гача); 1001 99 000 3 – юмшоқ буғдойнинг 3- синфи (клейковина миқдори 22% дан 27%гача); 1001 99 000 4 – юмшоқ буғдойнинг 4- синфи (клейковина миқдори 17% дан 22%гача); 1001 99 000 9 – бошқалар.

8. Божхона экспертизасини ўтказиш учун донли ва мойли ўсимликларда оқсил, клейковина ва намликнинг масса улушини аниқлаш учун ишлаб чиқилган экспресс метод божхона амалиётига тавсия қилинган.

9. Олинган натижалар асосида бир вақтнинг ўзида турли аралашмалардан қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тозалаш ва массаси бўйича фракциялашни амалга оширадиган комбинацион сепараторнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Донни тозалаш ва фракциялаш сифатининг йиллик иқтисодий самараси 1 машина учун бир йилда 251526800 сўмни ташкил этган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

РАЖАБОВ АЛИШЕРЖОН НУСРАТИЛЛА УГЛИ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ОЧИСТКИ И ФРАКЦИОНИРОВАНИЯ
МЕСТНЫХ СОРТОВ ЗЕРНА И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**

02.00.09 – Химия товаров

02.00.16 – Процессы и аппараты химических технологий и пищевых производств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/К344

Диссертация выполнена в Ташкентском химико - технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Хамрокулов Гофуржон**
доктор химических наук, профессор
Абдуллаев Алишер Шоназарович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Сафаров Жасур Эсирганович**
доктор технических наук, профессор
Тешабаева Элмира Убайдуллаевна
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Андижанский Государственный университет**

Защита диссертации состоится « 14 » сентября 2021 г. в « 10⁰⁰ » часов на заседании научного совета DSc. 03/30.12.2019.К/Т.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навой, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 115, с которой можно ознакомиться в ИРЦ Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навой, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан « 30 » августа 2021 года.
(протокол рассылки № 7 от 30 августа 2021 г.).




Х.Л. Пулятов
Председатель разового научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор


Ф.Б. Игитов
Учёный секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, (PhD), доцент


Д.А. Рахимов
Председатель научного семинара при разовом научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одна из важнейших задач в мире - глубокая переработка сельскохозяйственного сырья, включая очистку органических, минеральных и грубых смесей на основе анализа влажности, физико-механических свойств зерна пшеницы, фракционирование по массе. В связи с этим в таких развитых странах, как Россия, США, Франция, Турция, Украина, важно развивать селекцию качественных семян зерна, совершенствовать оборудование и технологические процессы сортировки и фракционирования зерновой продукции.

В мире проводятся научные исследования по модернизации, техническому и технологическому обновлению переработки зерна, ускоренному внедрению прогрессивных инновационных технологий, направленных на увеличение ассортимента и улучшение качества пшеничной продукции. В связи с этим особое внимание уделяется созданию методик и технологий, позволяющих фракционировать по физико-химическим свойствам, геометрическим размерам и массе зерна пшеницы, экономить энергоресурсы при очистке от других примесей, получать продукцию высокого качества.

В стране приняты меры по внедрению системы классификации химического состава местной пшеницы путем проектирования основных рабочих органов сепараторов, разработки методов расчета, математического моделирования и товарной номенклатуры внешне экономической деятельности (ТН ВЭД) по качественному фракционированию и очистка местных сортов пшеницы с использованием инновационных технологий, достигнуты определенные научные результаты. В третьем направлении Стратегии развития Республики Узбекистан «На основе опережающего развития перерабатывающих производств, направленных на производство готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья»¹ определены важные задачи. В связи с этим, учитывая взаимозависимость технологических этапов, модернизация и совершенствование существующего оборудования и классификация зерен по химическому составу являются важными задачами.

Данные диссертационной работы в определенной степени служат решению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 07.02.2017 г.; УП-3484 «О мерах по дальнейшему развитию продовольственной безопасности страны» от 26.04.2018 г.; УП-24 «О мерах по созданию эффективных механизмов внедрения научно-инновационного развития и технологий в производство» от 12.01.2018 г.; Постановлении Президента № ПП-3179 «О мерах по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».

совершенствованию деятельности Государственной хлебной инспекции при Кабинете Министров Республики Узбекистан»⁴ от 08.08.2017 г. по усилению госконтроля за сокращением потерь госресурсов зерна и продуктов его переработки; Постановлении Кабинете Министров Республики Узбекистан ПК-251 от 29.08.2015 г. под «Об утверждении концепции и комплекса мер по обеспечению здорового питания населения Республики Узбекистан на 2015-2020 годы»⁵, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в мировой практике в данном направлении.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по совершенствованию технологии и оборудования для сепарации и фракционирования зерновых культур производились Н.Е.Авдеевым, В.И.Анискиным, А.С.Архиповым, А.Ф.Бутенко, Н.Ф.Васильевым, Н.Г.Гладковым, В.В.Гортинским, В.П.Горячкиным, А.Г.Громовым, П.М.Заикой, А.Н.Зюлиным, А.В.Зильбернагельем, Н.Н.Ульрихом, В.М.Дринчой, П.К. Россом, Н.Р.Юсупбековым, Х.Х.Усманходжаевым, Р.Г.Махкамовым, З.С.Салимовым, С.С.Негматовым, А.А.Артиковым, А.А.Ризаевым, Г.А.Бахадировым, Ш.М.Гулямовым, Ж.П.Мухитдиновым, К.О.Додаевым, Н.Р.Баракаевым и др.

В результате создано более 100 тысяч машин с различной производительностью и мощностью. Механизация процесса позволила повысить производительность труда в 8,0-10,0 раз, сократить расходы на переработку зерна в 1,5-2,0 раза, получить муку и семена высшего качества.

Модернизация действующего оборудования и совершенствование, а основных сельскохозяйственных культур с учётом взаимосвязи основных технологических этапов, а также классификация зерна по химическому составу имеют научно-практическую ценность и весьма актуальны.

По разработке методологии идентификации и классификации товаров в соответствии с ТН ВЭД научные исследования проводились и проводятся Е.И. Андреевой, Н.Н. Алексеевой, С.Н. Гамидуллаевой, О.А., Кудряшовой, М.А. Николаевой, Н.П. Яценко, С.В. Барамзиным, Л.Е. Басовским, Б.Н. Габричидзе, Ю.Н. Чалых, И.Р. Аскарковым, А.А. Ибрагимовым, Г.Х. Хамракуловым, К.М. Каримкуловым, Л.Т. Пулатовой, Б.Ё. Абдуганиевым, Ш.М.Киргизовым и др.

